

Қўйнинг аврат органларини олиб пиширамиз, еймиз дейишди

16:18 / 27.04.2016 4263

Ассалому алайкум, ҳурматли Шайх жаноблари. Яқин кунларда дўстларимиз билан 2 кунга дам олгани табиатга чиқдик. Қўй сўйдик, шерикларимиз шошилиб қўйнинг аврат органларини олиб пиширамиз, еймиз дейишди. Умумий пишираётган таомга қўшиб юборишди. Кейин битталари алкохолсиз пиво олиб келди, намозхон биродарларимиздан иккиталари ичишди. Билишса 0,5% алкохол бор экан. Арабистон тонналаб оляпти, деб баҳона қилишди. Мен иложи борича сизнинг сотилаётган (Ҳикматли дунё) дискларини олиб юраман. Уларга тушунтирдим мўмин кишига пиво сўзининг ўзи жирканчилиги, уни истеъмол қилиб бўлмаслигини айтдим. Шу ҳолларида намоз ҳам ўқишди. Саволим шуки, ҳайвонларнинг аврат аъзоларини ейиш дурустми ва алкохолсиз пиво ҳақидаги фикрингиз.

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ҳанафий мазҳаби бўйича сўйилган барча ҳайвонлардан қуйидаги нарсаларни емоқ ҳаромдир;

1. Эркак ҳайвоннинг закари.
2. Эркак ҳайвоннинг икки мояги.
3. Урғочи ҳайвоннинг жинсий аъзоси.
4. Ҳайвондаги без.
5. Ҳайвондан оққан қон.
6. Ўт пуфак.
7. Сийдик турадиган аъзо.

Чунки Аллоҳ таоло «Аъроф» сурасида Пайғамбаримиз алайҳиссаломни васф қилароқ: «**Уларга покиза нарсаларни ҳалол қилиб, нопок нарсаларни ҳаром қиладиган**», деган. Мазкур етти нарсалар ҳам нопок нарсалардир.

Мужоҳид розияллоҳу анҳудан келтирилган ривоятда Пайғамбаримиз алайҳиссалом мазкур етти нарсани емоқдан қайтарганлар.

Агар 0,001 градус алкохол бўлса ҳам пивони ичиш мумкин эмас.

Мутлақо алкохол бўлмаса, уламолар ичишга рухсат берганлар. Аммо эҳтиёт бўлган яхши. Сиз айтгандек, унинг номи ўзи яхшимас. Валлоҳу аълам.